

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Компьютер инжиниринг факультети  
«Мультимедиа технологиялари» кафедраси  
«Web технологиялари» фанидан**

# **КУРС ИШИ**

**Мавзу: Winner.uz компьютерлар ва компьютер қисмлари,  
планшетлар, телефонлар, фототехника воситаларини сотиш бўйича  
Интернет магазинини яратиш**

Бажарди:	гурух: 202-12 АМТ Бердиев Ғ. Р
Раҳбар:	Алишеров.Ф.А.
Комиссия раиси:	Алишеров Ф.А.
Аъзолар:	Садуллаева Ш.А. Нармонов О.

Тошкент-2014 йил

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Асосий қисм.....	4
1.1 Сайт таҳлили.....	5
1.2 Масалани қўйилиши.....	8
1.3 Масалани ечиш учун зарур бўлган асосий манбалар.....	8
2. Web саҳифани яратиш учун таклиф қилинадиган асосий структураси.	9
2.1 PHP дастурлаш тили.....	9
2.2 HTML-форматда майдонлар рўйхатининг акс этиши.....	17
2.3 Web саҳифада графика ва мультимедиа.....	18
2.4 Web саҳифаларга мурожат.....	20
2.5 Саҳифани яратиш учун таклиф қилинадиган асосий маълумотлар .....	21
2.6 Саҳифанинг асосий кўринишлари.....	22
Хулоса.....	27
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	28
Илова.....	29

## КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон Интернет бозорида ҳам Интернет-магазинлари кириб келди. Уларни янги замон талаблари асосида ўрганиш ва янгича услубда истеъмолчи учун қулай шаклда яратиш ундан фойдаланиш шароитини ташкил қилиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан. Бунда Интернет магазинлари савдо дўконларидаги компьютер техникаларини электрон муҳитда реклама қилиш, унинг савдо тўловларини амалга ошириш ишлари интерактив шаклда ташкил қилинмоқда.

Интернет магазинлари техника восита каталогини турли маҳсулотлар кесимида қамраб олади.

Ўзбекистонда бир қатор интернет магазинлар мавжуд. Фуқароларимиз ушбу келтирилган бир қатор Интернет магазинларидан онлайн режимида маҳсулотларни кўриб танлаб, сотиб олиш имкони мавжуддир.

Ўзбекистон Республикасида замонавий давлат хизмати ҳуқуқий материя ҳисобланиб, доимий ҳаракатда: у ўзгаради, тўлдирилади, мавжуд муаммоларни ечишда янги воситаларни излайди, давлат хизмат муносабатларини мувофиқлаштирувчи янги меърий ҳужжатлар ишлаб чиқилади[1].

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг янги босқичдаги ривожланиши иш жойларимизда, уй шароитида мавжуд техника воситалар бўйича маълумот олиш, уларни харид қилиш, эксплуатация даврида техник ёрдам олиш, ҳамда мутахассисларни маслаҳатларига эҳтиёж сезилади. Шунинг учун техника асрида ушбу муаммоларни ҳал этиш борасида ҳукуматимиз томонидан қатор қабул қилинган қатор меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг амалий ижроси тўлақонли ҳал қилмоқда.

Ушбу интернет бозорларида мижозлар учун ҳар хил қулай таклифлар, компания томонидан ҳамкорликда фаолият олиб бориш ва рағбатлантирувчи узоқ муддатли кредитлар ва ҳ.к.з. таклифлар берилиб борилмоқда. Мақсад – мижоз учун қулай макон ва интернет магазинлари эса сифатли хизмат кўрсатишдан иборатдир.

# 1. Асосий қисм

## 1.1. Svyaznoy.ru сайтининг таҳлили

Интернет-магазин Svyaznoy.ru бугунги кунда электрониканика ва маиший техникаси бўйича оммабоп магазин бўлиб ҳисобланади.

Аълоқачи деб номланган интернет магазин 2002 йил июлда яратилган бўлиб, Россиядаги биринчи уяли интернет магазинлардан бири. Ҳозирги кунда ҳар ойда дўкон 100 минг буюртмачилар ўз харидларини амалга оширадilar.

Компаниянинг вазифаси шундан иборатки, маҳсулотларни шунчаки сотишдан иборат бўлибгина қолмай, балки хабардорга маҳсулотни етказишни ҳам ўз зиммаларига олади. Шунинг учун компания таниқли шахслардан видео кўринишли маҳсулотларни реклама қилишда фойдаланадилар. Харидар ўзига керакли маҳсулотни харид қилишда, маҳсулотни текширишда уни бошқа рақиблари билан текширишда компанияда мавжуд кизиқ курилмадан фойдаланади. [9]

Алоқачи интернет магазин 2011 йил 2012 йилга нисбатан 162 % га ошган ва 9.2 млрд рублни ташкил этади. 2012 йилда динамик ўсиш анча ошди.

2011 йилга нисбатан бу кўрсаткич 3 маротаба ошди. Савдо сотиқ айланиши аксесуарлар- 3.7 маротаба, фотокамералар-1.8 маротаба 599 млн дан 879 млн рублгача ўсди. Уяли телефонлар 2.4 маротаба 3904 млн рублга ўсди

Ҳозирги кунда сайтга ўртача 700 000 дан ортиқ буюртмачилар ташриф буйурядилар, буларнинг сони ҳар куни кўпайишда давом этмоқда. Компания ўсиши давом этмоқда, харидорлар ўзларига керак бўлган маҳсулотнинг ҳар қандай техникасини арзон ва қулай харид қилишлари мумкин.

Svyaznoy.ru ихчам, фото ва видеотехникалар,режалаштирилган ускуналар, дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчи сертификацияли шерик ҳисобланади. Бизнинг баланд сатҳимиз нафақат маҳсулотларни сайтда ҳамкорлик қилишдан ташқари ҳужжатлар ва гувоҳномалар балан, расмий мақомлар билан ишлашдир.

Харидорларнинг устунлиги шундаки, у товарни танлаш ва у ҳақда маълумот олишда, савдо-сотиқ ишларини бажаришда электрон ҳолда фойдаланади

Корхона электрон тижорат билан шуғулланар экан, "ҳақийқий" бизнесда корхоналар билан қатор устунлик имкониятини оладилар. Бу:

- хорижий бозорларга чиқишда савдо бозорини кенгайттириш лозим;
- кечаю – кундуз ишлаб туриш;
- CRM-тизимда маркетинг маълумотларини автомат йиғишда фойдаланиш(CRM, Customer Relationship Management — мижозлар билан мунасобатни бошқариш).

савдо-сотик залларни, идораларида харажатларни камайтиришни ташкил қилишга ва инфратизилмани кўллаб-қувватлашни ташкиллаштиришда зарурат йўқ

Электрон савдо-сотикда фойдаланувчи қуйидаги устунликларни ўз ичига олади:  
қулай имкониятлар сайловини: миждозга етарли сайтларни очиш имкониятини


### Электрон тижорат модели ва танлаб олиган компания учун даромадлар

модели:

- B2C (Business-to-Consumer) — "корхона— истеъмолчи ";
- B2B (Business-to-Business) — " корхона — корхона ";
- C2B (Consumer-to-Business) — " истеъмолчи — корхона ";
- C2C (P2P — Peer-to-Peer, "бир хил- бир хил ") " истеъмолчи - истеъмолчи ";
- B2G ёки B2A (Business-to-Government, Business-to-Administration) — " корхона -давлат";
- G2B ёки A2B (Government-to-Business)—" давлат - корхона ";
- G2C ёки A2C (Government-to-Consumer или Administration-to-Consumer) — " давлат - истеъмолчи ";
- C2G или C2A (Consumer-to-Government) — " истеъмолчи -давлат";
- G2G или A2A (Government-to-Government) — " давлат - давлат ";
- E2E (Exchange-to-Exchange) — "биржа-биржа";




1-расм. Svyaznoy.ru нинг Электрон тижорат бозорида ўрни



2-расм. Svyaznoy.ru сайтининг бошқа сайтлар билан рақобатдошлиги

Авваллари интернет тижоратда китоб сотиш бешқадам бўлса, ҳозир эса кичик устунлик билан биринчи ўринда маиший техникадир. РwС тадқиқот натижаларига кўра онлайн да маиший техникани сотиб олиш 8% га ошди ,китоб сотиб олиш рақамлари ўзгармай қолди.

2012 йилда кийимлар ва пойфазаллар сегменти интернет – тижоратда бошқаларга нисбатан ошди (15%).



3-расм. Svyaznoy.ru саайтининг ташқи тузилиши

**Истеъмолчининг ҳаракати, мақсадли аудитория, реклама ва CRM методлари**

Россияда интернет бозорни таҳлил қилганда охириги бир қанча йилларда 3,5 мартага кўпайди. Ҳаммага маълумки, интернет маълумотларни тарқатиш тезлиги билан фаркланади ва интернетда фойдаланувчилар маҳсулотни олиш учун саҳифа очилади. Интернет бозорни таҳлил қилинганда, интернет ёрдамида маҳсулотни сифатли харид қилиш мумкин.

#### Мижозлар ўртасидаги компаниялар:

- ваколатхона БМТ Россияда.
- бўлим БМТ кураш бўйича билан СПИДОМ Украинада.
- ваколатхона UNICEF Россияда.
- котибият Президентнинг Россияни
- вазирлик транспортни ва алоқалар Россияни.
- ЁАЖ АСНОВА холдинг.
- рекламага оид холдинг видео Интернешнл Киев.
- халқаро реклама бўлим Adell Saatchi & Saatchi.
- халқаро реклама бўлим Bates.
- халқаро реклама бўлим Euro RSCG Kiev.
- реклама бўлим 141 Украина.
- реклама бўлим BrandAid.
- реклама бўлим Zenith Media Ukraine.
- компания медиа Лайт.
- компания шар сирти ТВ.
- телеканал ICTV.
- Траста Комерц банк.
- молиявий компания Парекс Кэпител Украина.

На главную	Лого/название	Помощь	
О нас	Поле поиска	Вход	
Контакты		Корзина	
FAQ		Рекламное поле	
Новости			
Поле навигации			
Внешние ссылки	Правила пользования	Privacy notice	To the top

4-расм. Интернет магазин функцияси

## **Совғалар сертификати устунлиги**

Совғани харид қила туриб, совға қиладиган инсонига ёқмай қолишидан чушиши мумкин, шунинг учун сертификат тағдим қилинса 100% ишонади, сабаби сертификат орқали совғани танлаш имкониятига эга.

### **Технологик жиҳатдан қараганда:**

- Маҳсулотлар каталоги. Ўзи билан маҳсулотга оид гуруҳлар;
- Маҳсулот карточкаси. Маҳсулот тўғрисида маълумот олади.
- Сават . харидарлар тарафидан танланган маҳсулотлар мавжуд.

## **1.2. Масалани қўйилиши**

Юқорида келтирилган сайт таҳлили ва компьютерлар ва компьютер қисмлари, планшетлар, телефонлар, фототехника воситаларини сотиш бўйича Интернет магазини яратиш мавзусини танладим. Танланган мавзу бўйича жаҳон интернет магазин сайтларини ўрганиб чиқиб, уларда мижозлар учун сайт орқали ташкил қилинган хизматлар, техника оламини реклама қилиш, компания томонидан ташкил қилинган интерактив хизматлар, мутахассислар маслаҳати ва ҳ.к.з. каби манбалар билан танишиб чиқдим.

## **1.3. Масалани ечиш учун зарур бўлган асосий манбалар**

1. Интернет сайтлари;
2. Дастурий воситалар
  - Microsoft Word 2010;
  - PHP, JS query
  - HTML гиперматнли маркерлаш тили;
  - Adobe Fotoshop;
  - Internet Explorer, Opera, Google Chrome браузерлари.
3. Техника воситаларидан
  - стационар ва ноутбук компьютерлари
  - интернет модеми.

## 2. HTML да Web саҳифа яратиш ва саҳифанинг умумий структураси

### 2.1. PHP дастурлаш тили. PHP тарихи

Кўпгина бошқа дастурлаш тилларидан фарқли равишда, PHP қандайдир ташкилот ёки кучли дастурчи томонидан яратилган эмас. Уни оддий фойдаланувчи Расмус Лердорф 1994 йили ўзининг бош саҳифасини интерактив услубда кўрсатиш учун яратган. Унга Personal Home Page (PHP – шахсий бош саҳифа) деб ном берган.[3]

1995 йили Расмус PHPни ўзининг HTML формалари бошқа дастур билан умумлаштириб PHP/FI Version 2 (“Form Interpretator”) ҳосил қилди. 1997 йилга бориб PHP дан фойдаланувчи сайтлар 50 мингдан ошди. Шундан сўнг веб технология усталари PHP ғояси асосида мукамал тил яратишга Зива Сураски ва Энди Гутманс асосчилигида киришилди. PHPни самарали деб ҳисобланмагани учун деярли нолдан бошлаб, мавжуд C ва Перл тилларидан ибрат олиб PHP3 талқинини яратилди. 1999 йилга келиб PHP асосида қурилган сайтлар миллиондан ошиб кетди. 2000 йилда эса Zend Technologies ширкати янги кўпгина функцияларни қўшган ҳолда PHP4 шарҳловчисини яратди.

#### ***PHP – веб технология тил***

PHPни ўрганиш учун аввал HTML ва дастурлаш тилидан хабардор бўлиш талаб қилинади. HTML/CSS ва JavaScript ларни мукамал билгувчилар учун PHPни ўрганиш мураккаблик туғдирмайди. PHPнинг вазифаси HTML файлини яратиб бериш. JavaScript ёрдамида бажариладиган кўпгина операцияларни PHP орқали ҳам амалга ошириш мумкин, аммо эътибор қилиш лозимки, PHP – серверда; JavaScript – клиент томонда бажарилади. PHPда ёзилган код сервернинг ўзида бажарилиб, клиентга HTML шаклида етиб боради. Бу ҳавфсизлик жаҳатдан анча мақсадга мувофиқ. JavaScript ёрдамида код ёзиш, маълумот узатиш ва қабул қилишни биров тезлаштиради, кодни клиент кўриш имкониятига эга бўлади. Барибир ҳар иккисини бошқаси боса олмайдиган ўз ўрни бор, равшанки бу ўрин PHPда муҳимроқ ва каттароқ.

#### ***PHP имкониятлари***

«**PHP** да ҳар қандай дастур бажарса бўлади», – деган эди унинг яратувчиси. Биринчи навбатда *PHP тили сервер томонидан бажариладиган скриптлар яратиш учун фойдаланилади ва айнан шунинг учун у яратилган. PHP тили ихтиёрий CGI-скриптлари масалаларини ечишга ва бундан ташқари html формали маълумотларни қайта ишлашга ҳамда динамик равишда html саҳифаларни ишлаб чиқишга кодир. Бироқ PHP тили*

фойдаланиладиган бошқа соҳалар ҳам мавжуд. Бу соҳаларни биз учта асосий қисмга бўламиз:

- *Биринчи соҳа – биз юқорида айтиб ўтганимиздек, сервер томонидан бажариладиган иловалар (скриптлар) яратиш. PHP тили бундай турдаги скриптларни яратиш учун жуда кенг қўлланилади. Бундай иш кўрсатиш учун PHP-парсер (яъни php-скриптларни қайта ишловчи) ва скриптларни қайта ишловчи web-сервер, скриптларни натижасини кўриш учун браузер ва албатта php-кодини ёзиш учун қандай бўлса ҳам матн муҳаррири керак бўлади. PHP-парсер CGI-дастурлар кўринишида ёки сервер модуллари кўринишида тарқалган. Уни ва web-серверни компьютеримизга қандай ўрнатамиз, биз бу ҳақида кейинроқ кўриб ўтамиз.*

- *Иккинчи соҳа – буйруқлар сатрида бажариладиган скриптларни яратиш. Яъни PHP тили ёрдамида бирор-бир компьютерда браузер ва web-серверлардан мустақил равишда ўзи бажариладиган скриптларни ҳам яратиш мумкин. Бу ишларни бажариш учун ҳеч бўлмаганда PHP-парсер (бу ҳолатда биз уни буйруқлар сатри интерпретатори (CLI, command line interpreter) деб атаймиз) талаб этилади. Бундай ишлаш услуби турли масалаларни режалаштириш ёрдамида бажарилиши учун керак бўлган скриптлар ёки оддий матнни қайта ишлаш учун керак бўлган масалага ўхшаш ишлайди.*

- *Учинчи соҳа – бу мижоз томонидан бажариладиган GUI-иловаларни (график интерфейс) яратиш. Бу соҳа PHP тилини эндигина ўрганаётган фойдаланувчилар учун унча муҳим бўлмаган соҳадир. Бироқ агарда сиз PHP тилини чуқур ўрганган бўлсангиз, бу соҳа сиз учун анча муҳимдир. PHP тилини бу соҳага қўллаш учун php кенгайтмали махсус ёрдамчи – PHP-GTK талаб этилади.[4]*

*Шундай қилиб, PHP тилини қўлланилиши соҳалари кенг ва турличадир. Юқоридаги масалаларни еча оладиган бошқа турлича дастурлаш тиллари ҳам мавжуд, унда нима учун PHP тилини ўрганишимиз керак? У тил бизга нима беради? Биринчидан, PHP тили ўрганиш учун жуда қулай. PHP тилини синтаксиси асосий қоидалари ва ишлаш принципи билан етарлича танишиб чиқиб ўзингизни шахсий дастурингизни тузиб кўриб, сўнгра уни бошқа дастурлаш тилларида тузилган вариантлари билан солиштирсангиз бунга гувоҳи бўласиз.*

*Иккинчидан, PHP тили барча бизга маълум платформаларда, барча операцион тизимларда ҳамда турлича серверларда эркин ишлай олади. Бу хусусият жуда муҳим. Масалан, кимдир Windows операцион тизимдан Linux операцион тизимга ёки IIS сервердан Apache серверга ўтмоқчи бўлса PHP тилини ўрганиши шарт.*

*PHP дастурлаш тилида дастурлашининг иккита ҳаммабон парадигмалари ишлатилади, булар процедурали ва объектли дастурлаш. PHP4 дастурлаш тили*

*процедуралари дастурлашни бутунлай қўллаб қувватлайди, бироқ объектли стилдаги дастурларни ҳам қўлласса бўлади. PHP5 дастурлаш тилининг биринчи тестлаш версиясида PHP4 дастурлаш тилида учрайдиган объектга йўналтирилган дастурлаш моделларининг камчиликлари тўлдирилган. Шундай қилиб, ҳозирда таниши бўлиб улгурган ишлаш принципини танлаш керак.*

*Агарда PHP тилини ҳозирги имкониятлари тўғрисида гаплашадиган бўлсак, у ҳолда биз PHP тилини биринчи версиясидан анча йироқлашиб кетган бўламиз. PHP дастурлаш тили ёрдамида тасвирлар, PDF-файллар, флэш-роликлар яратиш мумкин; ҳозирги вақтдаги замонавий маълумотлар базасини қўллаб қувватлайди; ихтиёрий матнли файл форматлари билан, ҳамда XML ва файллар тизими билан ишлайдиган функциялар ҳам қўшилган. PHP тили турли сервислар ўртасидаги протоколларнинг ўзаро алоқасини қўллаб қувватлайди. Буларга мисол тариқасида папкаларга киришни бошқариш протоколи LDAP, тармоқ қурилмалари билан ишлайдиган протокол SNMP, маълумотларни узатиш протоколлари IMAP, NNTP ҳамда POP3, гиперматнларни узатиш протоколи HTTP ва бошқаларни олиш мумкин.*

*PHP дастурлаш тилини турли дастурлаш тиллари ўртасидаги ўзаро алоқасига диққатни қаратсак, бунга Java дастурлаш тилини айтиб ўтиш керакки, Java дастурлаш тили объектларини PHP тили ўз объектлари сифатида қарайди. Объектларга мурожаат сифатида CORBA кенгайтмасидан фойдаланилади.*

*Матнли ахборотлар билан ишлаш учун PHP тили ўзига Perl дастурлаш тилидаги тартибланган ифодалар билан ишлай оладиган механизмларни (катта бўлмаган ўзгаришларсиз) ва UNIX-тизимини мерос қилиб олади. XML-хужжатларини қайта ишлаш учун стандарт сифатида DOM ва SAX, XSLT-трансформацияси учун API дан фойдаланиши мумкин.*

*Электрон тижорат иловаларини яратиш учун бир қатор тўловни амалга оширадиган Cybercash, CyberMUT, VeriSign Payflow Pro ҳамда CCVS каби фойдали функциялар мавжуд.*

*Дастурий воситани сошлаш ва ўрнатиш*

*Юқорида PHP тили имкониятларини, қўлланилиш соҳаларини муҳокама қилдик ва тарихини ўргандик. Энди дастурий воситани ўрнатишга керак бўлган ускуналар мажмуини кўриб ўтсак. Модомики, асосий курснинг амалиёти сифатида биз қуйидаги масалаларни кўриб чиқамиз: клиент-сервер технологияси сифатида ишланадиган масалалар, мос равишда скриптлар яратилишида қўлланилиши, серверларни қайта ишлаш. Булар учун бизга web-сервер ҳамда PHP тили интерпретатори керак бўлади. Web-сервер*

сифатида, масалан, web-мутахассислар ўртасида машхур бўлган *Apache серверни оламит*. Дастур натижасини кўриш учун web-браузер керак бўлади, бунга мисол Internet Explorer.

*PHP* дастурлаш тили Си ва Perl дастурлаш тилига ўхшаш. Бироқ келтирилган дастур Си ва Perl дастурлаш тилидаги дастурдан анча катта фарқ қилади. Бу ерда HTML саҳифага чиқариш учун бир қатор махсус буйруқларни ёзиш шарт эмас. Бевосита *PHP*-код асосида қурилган бирор вазифани бажарадиган HTML-скрипт ёзилади (бизни мисолда экранда чиқарилган матн). *PHP* дастурлаш тилининг Си ва Perl дастурлаш тилларидан камчилиги шуки, мураккаб скриптларни *PHP* дастурлаш тили анча секин бажаради.[5]

***PHP-скриптлар*** – бу серверда бажариладиган ва қайта ишланадиган дастурлардир. Бу скриптларни JavaScript типидagi скриптлар билан таққослаш мумкин эмас, чунки JavaScript тилидаги скриптларда ёзилган буйруқлар фақат клиент компьютеридагина бажарилади. Клиент компьютерида ва сервер компьютерида бажариладиган скриптларнинг фарқи нимада? Агарда скрипт серверда қайта ишланса, мижоз компьютерида фақатгина натижа юборилади.

Бу ҳолатда мижоз қандай код бажарилаётганини билмайди. Ўз серверингизни HTML - файлларни *PHP* процессори қайта ишлайдиган қилиб сошлаб олишингиз ҳам мумкин. Яъни клиентлар оддий HTML-файлни қабул қилдими ёки скрипт натижасини кўрдими буни била олмайди. Агарда скрипт клиент компьютерида қайта ишланса, у ҳолда клиент скрипт кодидан иборат HTML-саҳифани кўради.

*PHP* да маълумотлар базалари билан ишлаш

Ушбу бўлим *PHP* ва MySQL МББТ (Маълумотлар базасини бошқариш тизими) ўртасидаги ҳамкорлик усуллари билан танишишга мўлжалланган.[8] Асосий эътибор маълумотлар базаси билан боғланишни ўрнатиш, сўровлар жўнатиш функциялари ва жавобларни (mysql\_connect, mysql\_query, mysql\_result, mysql\_num\_rows, mysql\_close) қайта ишлашга қаратилади. Мисол сифатида виртуал тарих музейи маълумотлар базасининг маъмурияти учун web-интерфейс тузиш масаласини кўрайлик. *PHP* дистрибутивига MySQL маълумотлар базаси билан ишлаш учун мўлжалланган функцияларни оловчи кенгайтма киради. Бу бўлимда MySQL билан ишлаш учун баъзи бир маълумотлар базасини тасвирлаш ва тўлдириш мақсадида web-интерфейсларни тузиш топшириғини ечиш учун керак бўладиган асосий функциялар билан танишамиз. Савол туғилади: бундай интерфейсларни тузиш нега керак? SQL сўровлар тили билан нотаниш одамлар маълумотни маълумотлар базасига киритиш ва унинг таркибини кўриб туриш имконияти бўлиши учун шундай қилинади. Маълумотлар базасига маълумотларни қўшиш учун web-интерфейс билан ишлашда бу маълумотларни шунчаки html-формага киритиш ва уларни серверга жўнатиш керак бўлади, бизнинг скрипт эса қолган барча амалларни

базаради. Жадвал таркибини кўриб туриш учун ҳавола устига бир марта босиш ва керакли саҳифага кириш кифоя.

Кўриниб туриши учун бу интерфейсларни виртуал музей экспонатлари ҳақидаги маълумотлар жойланадиган Artifacts жадваллари учун тузамиз. Аввалги бўлимда бу коллекцияга структурани ҳамда унинг шахс (Persons) ва тасвирлар (Images) тавсифлари коллекциялари билан алоқасини киритган эдик. Artifacts коллекциясидаги ҳар бир экспонат қуйидаги характеристика ёрдамида тасвирланишини эслатиб ўтаемиз:

- ном (title);
- муаллиф (author);
- ифода (description);
- ўриндош ном (alternative);
- тасвир (photo).

Номланиш ва ўриндош номланиш узунасига 255 белгидан кам сатр (яъни VARCHAR(255)), тасвирлаш – матнли майдон (TEXT турига мансуб) ҳисобланади, “муаллиф” ва “тасвир” майдонларида эса Persons коллекциясидан муаллифнинг идентификаторлари ва Images коллекциясидан экспонат тасвирларига мувофиқ мавжуд бўлади.

#### *Маълумотни қўшиш учун интерфейс тузиш*

Демак, бизда маълумотлар базасида бирон-бир жадвал бор. Бу жадвалга маълумотни қўшишга мўлжалланган интерфейс тузиш учун унинг структурасини (яъни унинг майдонлари жамланмасини) *html-форма*да тасвирлаш керак бўлади.[6]

Бу топшириқни қуйидаги таркибий топшириқларга бўлиб чиқамиз:

- МБ билан уланишни ўрнатиш;
- МБ ишини танлаш;
- Жадвал майдонлари рўйхатини олиш;
- html-формада майдонларни тасвирлаш.

*Бундан кейин формага киритилган маълумотларни маълумотлар базасига киритиш керак бўлади.*

*Бу топшириқларнинг барчасини тартиб билан кўриб чиқамиз.*

#### *Алоқа ўрнатиш*

Демак, биринчи галдаги вазифа – бу маълумотлар базаси билан алоқа ўрнатиш. *mysql\_connect* функциясидан фойдаланамиз. *mysql\_connect* синтаксиси *mysql\_connect* ресурси ([сервер қатори[, username қатори[, password қатори[, мантиқий new\_link[, бутун client\_flags]]]])

Бу функция MySQL сервери билан алоқа ўрнатади ва бу алоқага кўрсаткич қайтаради ёки муваффақиятсиз чиққанда FALSE кўрсатади. Етишмаётган параметрлар учун қуйидаги маънолар муваккат қўйилади:

```
server = 'localhost:3306'
```

```
username = сервер жараёни эгасидан фойдаланувчи исми
```

```
password = бўш парол
```

Агар функция айнан бир хил параметрлар билан икки марта чақирилдиган бўлса, янги уланиш ўрнатилмайди, аксинча ҳавола эски алоқага қайтарилади. Бундан қочиш учун эса, ҳар қандай ҳолатда янги бир алоқа очишга мажбур қилувчи `new_link` параметридан фойдаланилади.

**client\_flags** параметри – бу қуйидаги константалар комбинацияси:

*MYSQL\_CLIENT\_COMPRESS* ( сиқиш протоколидан фойдаланилади );

*MYSQL\_CLIENT\_IGNORE\_SPACE*(*функция номидан сўнг пробел қўйишга рухсат беради*),

*MYSQL\_CLIENT\_INTERACTIVE* (*interactive\_timeout* бир сония кутиш - *wait\_timeout* – уланиш тугатилишигача).

`new_link` параметри PHP 4.2.0 да мавжуд, `client_flags` эса – PHP 4.3.0 да.

Сервер билан уланиш, агар у бунгача `mysql_close()` ёрдамида ёпилмаган бўлса, скрипти амалга ошириш тугалланишида беркилади.

Шундай қилиб, “123” паролли `nina` фойдаланувчиси учун локал серверда маълумотлар базаси билан уланишни ўрнатамиз.

```
<?
```

```
$conn = mysql_connect(
```

```
    "localhost", "nina", "123")
```

```
or die("Уланишни амалга ошириб бўлмади: ". mysql_error());
```

```
echo "Уланиш амалга ошди";
```

```
mysql_close($conn);
```

```
?>
```

*mysql\_connect* **амали**

```
shell>mysql -u nina -p123 буйруғи билан тенг кучли.
```

*Маълумотлар базаларини танлаш*

*Уланишни амалга оширгандан сўнг бирга ишлашимиз керак бўлган маълумотлар базасини танлашимиз керак бўлади. Бизнинг маълумотларимиз book маълумотлар базасида сақланади.*

MySQL да маълумотлар базасини танлаш `use` буйруғи ёрдамида амалга оширилади:

```
mysql>use book;
```

PHP да бунинг учун *mysql\_select\_db* функцияси мавжуд

*mysql\_select\_db*: синтаксиси

мантикий *mysql\_select\_db* (

*database\_name* қатори

    [,*link\_identifier* ресурси])

Бу функция TRUE қийматни маълумотлар базасини муваффақиятли танланганда қайтаради ва FALSE ни эса – аксинча бўлганда.[9]

Book маълумотлар базасини ишга туширамыз:

```
<?
```

```
    $conn = mysql_connect(
```

```
        "localhost","nina","123")
```

```
    or die("Уланишни амалга ошириб бўлмади: ". mysql_error());
```

```
    echo "Уланиш амалга ошди";
```

```
    mysql_select_db("book");
```

```
?>
```

*Жадвал майдонлари рўйхатини олиш*

Энди топширикни ечиш билан алоҳида шуғулланса бўлади. Жадвал майдонлари рўйхатини қандай олиш мумкин? Жуда оддий. PHP да бу ҳолда ҳам ўзига тегишли буйрук мавжуд - *mysql\_list\_fields*.

*mysql\_list\_fields* синтаксиси

*mysql\_list\_fields* ( ресурси

*database\_name* қатори,

*table\_name* қатори

    [, ресурси *link\_identifier*])

Бу функция майдонлар рўйхатини *database\_name* маълумотлар базасидаги *table\_name* жадвалига қайтаради. Келиб чиқадики, маълумотлар базасини танлаш бизга мажбурий эмас, лекин кейинроқ асқотади. Бу функция ишининг натижасини – ресурс типини ўзгарувчисини қандай баҳолаш мумкин. Яъни бу биз олишни хоҳлаган нарса эмас. Бу уларнинг номлари, типлари ва байроқлари кирадиган жадвал майдонлари ҳақидаги маълумотларни олиш учун фойдаланиш мумкин бўлган ҳавола. *mysql\_field\_name* функцияси сўров амалга оширилиши натижасида олинган майдон номини қайтаради. *mysql\_field\_len* функцияси майдон узунлигини қайтаради. *mysql\_field\_type* функцияси майдон типини қайтаради, *mysql\_field\_flags* функцияси эса пробел билан ёзилган майдон байроқлари

рўйхатини қайтаради. Майдон типлари int, real, string, blob ва б. бўлиши мумкин. Байроқлар not\_null, primary\_key, unique\_key, blob, auto\_increment ва б. бўлиши мумкин.[7]

Бу барча буйруқлар синтаксиси бир хил:

```
mysql_field_name (result қатори, бутун field_offset) ресурси;  
mysql_field_type (result қатори, бутун field_offset) ресурси;  
mysql_field_flags (result қатори, бутун field_offset) ресурси;  
mysql_field_len ( result қатори, бутун field_offset)
```

Бу ерда *result* – бу сўров натижаси идентификатори (масалан, `mysql_list_fields` ёки `mysql_query` функциялар билан жўнатилган сўров(бу ҳақда кейинроқ гапириб ўтилади)), `field_offset` эса – натижадаги майдоннинг тартиб рақами. Умуман олганда, `mysql_list_fields` ёки `mysql_query` туридаги функцияларни қайтарувчи жадвални, аниқроғи унинг унга бўлган кўрсаткичини акс эттиради. Бу жадваллардан аниқ маънолар олиши учун махсус бу жадвални остки қатор сифатида ўқувчи функцияларни ишга тушириш керак. Бу функцияларга `mysql_field_name` ва шу кабилар ҳам кирилади. Сўровни амалга ошириш натижаси жадвалидаги барча қаторларни саралаш учун бу жадвалдаги қаторлар миқдорини билиш керак.

`mysql_num_rows`(result ресурси) буйруғи `result` нинг кўпгина натижалари қаторлари миқдорини қайтаради.

Энди эса Artifacts (экспонатлар коллекцияси) жадвали майдонлари рўйхатини олишга уриниб кўрамиз.

```
<?  
$conn = mysql_connect(  
    "localhost","nina","123")  
or die("Алоқа ўрнатиб бўлмади: ". mysql_error());  
echo "Алоқа ўрнатилди";  
mysql_select_db("book");  
$list_f = mysql_list_fields (  
    "book","Artifacts",$conn);  
$n = mysql_num_fields($list_f);  
for($i=0;$i<$n; $i++){  
    $type = mysql_field_type($list_f, $i);  
    $name_f = mysql_field_name($list_f,$i);  
    $len = mysql_field_len($list_f, $i);  
    $flags_str = mysql_field_flags (  
        $list_f, $i);  
    echo "<br>Майдон номи: ". $name_f;
```

```

echo "<br>Майдон тури: ". $type;
echo "<br>Майдон узунлиги: ". $len;
echo "<br>Майдон байроқлари қатори: ".
    $flags_str . "<hr>";
}
?>

```

Натижа сифатида тахминан қуйидагиларни олиш мумкин (албатта, жадвалда иккита майдон бўлганда):

Майдон номи: id

Майдон тури: int

Майдон узунлиги: 11

Майдон байроқлари қатори:

```
not_null primary_key auto_increment
```

Майдон номи: title

Майдон тури: string

Майдон узунлиги: 255

Майдон байроқлари қатори

## 2.2. HTML-форматда майдонлар рўйхатининг акс этиши

